



Паранжи (арабча фаранжи – кенг кўйлак) – мусулмон аёллари ёпинчиги бўлиб, чачвон билан бирга ансамбл хосил килган.

Тадкикотчиларнинг аниқлашича, паранжи Мисрда пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа Шарк мамлакатларига таркаган.

Паранжининг бичими тўн шаклида бўлиб, елкадан пастга томон торайиб борувчи узун, бандаги (енги) этакка яқин жойда бир-бирига чатиб бирлаштирилган. У аёллар гавдасини бошидан то оёғигача яширишга хизмат килган. Аёл юзини эса от ёлидан тўкилган кора, калин, тўртбурчакли тўр чачвон – чиммит тўсиб турган. Чачвоннинг теграси одатда кора сатин билан хошияланган. Чачвон, ёки чиммит тутиш аслида Шарк мамлакатларида кенг таркалган юзни ёпиб юриш одатидан келиб чиккан.

Паранжи авра-астарли килиб тикилган. Авраси кимхоб, банорас, олача ва бошка матолардан бўлган, теграси кашталанган ҳамда каштали жияклар тутиб безатилган, астарига чит ва сатин ишлатилган, четларига эса зангори, пушти ёки сидирга шойидан адип килинган. Паранжининг икки ёни (чўнтак ўрни) га тик тушган 25 см узунликда иккита жияк туташтириб чатилган. Жияклар учидан попукчалар чиқарилган, баъзан кўнгирокчалар осилган.

Паранжининг ўтмишдоши фаражи эркакларнинг кийими ҳисобланган. Самарканддаги Афрорсиёб шаҳарчасидан топилган терракотик хайкалчалар бунинг далили була олади. Қадим асосга эга булган паранжи даврлар ўтиши билан ўзгаришга учраб аёллар

либосига айланган.

Ўзбекистон хухуди туманларида паранжилар ўзига хос, бир-биридан ажралиб турадиган белгиларга эга бўлган. Тошкент ва Фарғонада паранжилар серхушам бўлиб, ипак кашталари билан ажралиб турган. Уларнинг бичиги Самарқандникига ўхшаш, лекин ёкалари кенглиги балан фарқилган. Самарқанд паранжиси эса шакл жихатдан Кашқадарёнинг эркаклар чопонига ўхшаш бўлган. Бухоро ва Самарқандда паранжи кора ва гулли матолардан каштасиз тикилган, факат четлари ва енглари жияклар билан безатилган, уларда кизил ва ок ранг устунлик килган. Кашқадарёда аёллар яна желак ҳам кийишган. Желаклар ип газламадан астарсиз тикилган. Кашқадарё ва Сурхандарё аёллари ёз мавсумида ок ва рангдор желаклар кийишган.

Хоразмда паранжи таркиби шимолий худудлардаги чит чакмон моделини ўзида мужассамлаштирган. Этаклари тугрибурчак, енг узунлиги этакларигача етган. Хоразм паранжисининг бошқалардан фаркли яна бир томони унинг узунлигида (170-180 см) ва каштасиз тикилишида.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи фондларида турли худудларга тегишли бир неча паранжи сакланади. Тошкентда 1927 йили элшунос Е.М.Пешерова томонидан музей учун сотиб олинган паранжи ип-газлама мато – парпашадан тайёрланган.

1935 йилда музейда халк хўжалиги кўрғазмасидан Кашқадарёга мансуб икки паранжи берилган. Калами бўздан тайёрланган бу паранжиларнинг ёкалари ва этакларига жияклар тикилган. Паранжининг таркибий қисми бўлган чачвонлар ҳам ўзининг бадиий беази билан эътиборни тортади.

Вакт ўтиши билан паранжи кундалик кийимдан маросим кийимига айланди. XX аср бошларидаги туйларда куёв уйига келини паранжида олиб боришган. Келин паранжида сўзана остида ўтирган ва у холда куёв уни гўшангага олиб кирган. Келини куёв кариндошлари олдида келин саломга паранжида олиб чиқишган.

Биринчи ўгил фарзанд кўрилганда ўтказиладиган суннат туйда саллабундон ёки сала пушон ўраш маросимида ҳам аёллар анъанавий либосда бўлишган.

Даврлар ўтиши билан паранжи миллий кадрият сифатида фақат музейларимизда сақланиб қолган.

«Мозийдан садо» журнали №4 2013 йил